

Journal of Social Research in Uzbekistan**JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jsru>**WAYS TO IMPROVE THE MECHANISM OF TAXATION OF BUSINESS ENTITIES****Askar Yusupov**

Researcher

Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: business entities, taxation, Tax Code, effective mechanism, tax payment.

Received: 22.04.24**Accepted:** 24.04.24**Published:** 26.04.24

Abstract: This article analyzes the processes of improving the mechanism of taxation of business entities. The opinions of our local scientists who conducted scientific research in this direction were studied, and the scientific conclusions and proposals given by them were described in detail. Based on the results of the analysis, scientific conclusions were formed on the improvement of the mechanisms of taxation of small business entities in our country.

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ****Асқар Юсупов**

Тадқиқотчи

Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: тадбиркорлик субъектлари, солиққа тортиш, солиқ Кодекси, самарали механизм, солиқ тўлови.

Аннотация: Ушбу мақолада тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш жараёнлари таҳлил этилган. Мазкур йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб борган маҳаллий олимларимиз фикрлари ўрганилган, улар томонидан берилган илмий хулоса ва таклифлар атрофлича баён қилинган. Таҳлиллар натижаларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий хулосалар шакллантирилган.

ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМА НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ СУБЪЕКТОВ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

Аскар Юсупов
Исследователь
Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	субъекты хозяйствования, Налоговый кодекс, механизм, уплата налогов.	Аннотация:	В данной статье анализируются процессы совершенствования механизма налогообложения субъектов предпринимательства. Изучены мнения наших местных учёных, проводивших научные исследования в этом направлении, подробно описаны данные ими научные выводы и предложения. По результатам анализа сформированы научные выводы о совершенствовании механизмов налогообложения субъектов малого предпринимательства в нашей стране.
------------------------	--	-------------------	--

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти ривожига, хусусан, алоҳида эътибор қаратилаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири бу – давлатнинг солиқ сиёсати ҳисобланади. Солиқ сиёсатини манипуляция қилиб, давлат тадбиркорлик субъектлари фаолияти иқтисодий ривожланишини рағбатлантиради ва ёки уни чеклаб қўяди.

Таъкидлаш керакки, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашда фаол сиёсат олиб бораётган, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизмларни яратган ва ушбу механизмларни қўллаётган мамлакатларда бизнес фаолияти ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида ҳам тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожланиши учун хорижий тажрибани билиш эвазига хатоларни такрорламаслик, дунё мамлакатларида асрлар давомида тўпланган тажрибадан самарали фойдаланиш ва замонавий бозор ўзгаришлари жараёнини тезлаштириш лозим бўлади. Бунинг учун эса мазкур соҳада олиб борилаётган ислохотларни кучайтириш, таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечимлари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш, ушбу йўналишда керакли чора-тадбирларни амалга ошириш, мавжуд механизмларни такомиллаштиришга оид қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Қ.Тўхсанов томонидан Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишнинг назарий масалалари ҳамда айрим хорижий давлатларнинг солиққа оид халқаро тажрибалари ёритиб

берилган. Хорижий давлатларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишда қўлланиладиган меъёрлар ва механизмлар келтириб ўтилган. Таҳлиллар натижасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш истиқболлари бўйича илмий хулосалар олинган [2].

Ш.Тўйчиев томонидан олиб борилган тадқиқотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш, жумладан улар фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солиш масалаларида илмий ишлар олиб борган муаллифларнинг назарий фикрлари, қарашлари ва мулоҳазалари илмий шарҳланган ҳолда назарий хулосалар шакллантирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларини давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида улар учун қулай солиқ муҳитини таъминлаш борасида узоқ йиллар давомида юритиб келинган солиқ сиёсатининг кутилган натижаларни бермаганлиги, охириги йилларда амалга оширилган солиқ ислохотлари натижасида ҳам бу муаммолар тўлиқ бартараф этилмаганлиги ва бугунги кунда кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш режимини белгилаш билан боғлиқ муаммолар қисқача асослаб берилган ҳамда уларнинг назарий ечимлари кўрсатилган [3].

Д.Даминовнинг таъкидлашича, ягона солиқ туловини жорий этилишида кузда тутилган кичик тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш мақсадидан келиб чикиб, факат кичик тадбиркорлик субъектлари учунгина бу солиқни амал қилиниши мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли, муаллиф савдо фаолияти (улгуржи ва чакана) учун ягона солиқ тулови татбиқ қилинмаслиги лозим, деган хулосага келади. Бу билан кичик тадбиркорлик субъектларини солиқлар воситасида рағбатлантирилиши ва фаолият тури бўйича солиққа тортишдаги адолатлилик тамойилини мустахкамлашга эришилади[4].

Б.Санакулова уз илмий ишида ягона соли; ставкаларини белгилашда тармок корхоналарида яратиладиган қўшилган қийматнинг улушидан келиб чикиб, табақлаштирилган ставкаларни жорий қилиш таклифини илгари сурган. Унинг фикрига қура айрим соҳа корхоналарининг ривожланиши иқтисодиётда муҳим аҳдмият касб этишига қарамадан, уларга нисбатан белгиланган солиқ ставкаси паст бўлса-да, солиқ солинадиган базани аниқлашда улар фаолият натижаларининг инобатга олинмаслиги мазкур фаолият турини етарли даражада рағбатлантирмайди. Аксинча, иқтисодиётда устувор аҳдмиятга эга бўлмаган соҳаларга ягона солиқ ставкасининг юқори белгиланишига қарамадан, солиққа тортиш объекти сифатида ялпи даромаднинг олинниши мазкур фаолият билан шугулланувчи корхоналарда ягона солиқнинг сотишдан тушган соф тушумдаги улуши нисбатан кам миқдорни ташкил этади. Бу эса, турли хил фаолият билан шугулланувчи кичик корхоналарда носоглом рақобат муҳитини юзага келтиради[5].

А.Ботировнинг фикрича, йирик бизнесдан фаркли равишда кичик тадбиркорликка фискал объект сифатида қарамаслик лозим. Кичик тадбиркорлик миллий иқтисодийнинг шундай соҳдаси, уни соликка тортишнинг стратегияси даромадларнинг фискал назоратига эмас, балки уларнинг легаллашувига йуналтирилиши лозим. Тадқиқотчи уз ишида кичик тадбиркорлик субъектларини соликка тортишни такомиллаштириш юзасидан қатор таклифларни беради, жумладан бундай субъектлар учун белгиланган амалдаги соликка тортиш тартибини мақсадли равишда оптималлаштириш бўйича фаолият тури ва солик туловчининг жойлашган жойига қараб солик ставкаларини табақалаштирувчи тартибни жорий қилиш лозимлигини таъкидлайди. Бундан ташқари, кичик тадбиркорлик субъектлари инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун йуналтирилган инвестиция харажатларини бир неча йил давомида ягона солик тулови базасидан тулик чегирилиши мақсадга мувофиқ. Бу, бир томондан, мамлакатда товарлар ишлаб чиқариш ҳдҗми ошишига хизмат қилади, иккинчи томондан, кичик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашда ижобий самара беради [6].

Бугунги кунга келиб дунёнинг ривожланган мамлакатлари қонунчилиги кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг махсус субъектлари деб таснифланмоқда. Бу эса кичик бизнесни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари эса унинг ижтимоий аҳамиятини ва оммавийлигини белгилаш билан бир қаторда, иқтисодий ривожланиш мақсадларини ҳам белгилаб беради. Кичик бизнес субъектларини солиққа тортишнинг муҳим жиҳати бўлиб унинг миқдорий ва сифат мезонлари ҳисобланади. Ушбу мезонларга корхона ишчиларининг сони, товар айланмаси, активлари ва олинган фойдалари қиради. Барча мамлакатлар учун асосий миқдорий мезон - бу корхонада ишлайдиган ишчилар сони бўлиб қолган параметрлар одатда турли мамлакатларда ва ўзаро фарқ қилади.

Таҳлил ва натижалар

2017 – 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг «Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш» деб номланган учинчи йўналишида: солиқ юкини камайитириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш каби чора-тадбирлар белгиланган [1].

Ҳаракатлар стратегияси «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 128-бандида “Солиқ маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида

солиққа тортишни такомиллаштириш” бўйича амалга ошириладиган тадбирлар юзасидан қуйидаги вазифалар белгиланган:

1. Солиқ қонунчилигини танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳуқуқни қўллашда ортиқча ва мураккаб нормаларни бартараф этиш, солиққа тортиш базасини ҳисоблаш жараёнини соддалаштириш, ягона базадан ундириладиган солиқ ва бошқа мажбурий тиловларни унификация қилиш, шунингдек, солиқ қонунчилиги барқарорлигини таъминлашга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

2. Солиқ юкини, шу жумладан: якка тартибдаги тадбиркорлардан ундириладиган қатъий белгиланган солиқ миқдорини, шу жумладан, фаолият кўрсатиш (масалан, узоқ ва бориш қийин бўлган) жойларини ҳисобга олган ҳолда қайта кийиб чиқиш;

3. Йирик корхоналарга бўлган солиқ юкини мақбуллаштириш ҳисобига изчил пасайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бийича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармони билан тасдиқланган давлат Дастурининг 3.2-бўлимида - солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш юзасидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш белгиланган:

93-бандида - имтиёзлар беришнинг шартлари, мезонларини белгилаш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш ва мониторинг қилиш тизимини жорий этиш, имтиёзларни муайян молиявий ижтимоий натижага эришиш шарти билан бериш, имтиёзларни алоҳида субъектларга эмас, балки соҳалар ёки товарлар (хизматлар, ишлар) турларига нисбатан жорий этиш;

94-банди - солиқ юкини камайтириш ва соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш. Бунда, ўз эҳтиёжи учун объектлар қураётган янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига ягона солиқ тўловини маълум муддатга кечиктириш ҳуқуқини бериш ҳамда кичик корхоналар учун қўшимча қиймат солиғи тўлашга ўтишни рағбатлантириш тизимини жорий қилиш;

95-банди - кичик корхоналарни тез суръатларда ривожланиб, ишчилар сонини кўпайтириши ҳамда йирик корхоналар тоифасига ўтишини рағбатлантирувчи тизим жорий этиш. Бунда, ишчилар сонини ошираётган, тез суръатлар билан ривожланаётган кичик корхоналарни йирик корхоналар тоифасига ўтишини рағбатлантиришни назарда тутувчи механизмларни жорий этиш вазифалари белгиланган.

96-банди - Солиқ маъмуриятчилиги ва назоратини ташкил этиш тартиби ва методологиясини тубдан такомиллаштириш, ушбу тизимни илғор халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш. Бунда, норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида қуйидаги йўналишларни қамраб олган “Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш” концепцияси тасдиқланиши белгиланган:

- Солиқ кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни тубдан такомиллаштириш;
- солиқ маъмуриятчилигининг максимал даражада шаффофлигини таъминлаш механизмларини ташкил этиш;
- замонавий инновацион ғоялар ва тартиб-таомилларни жорий қилиш, электрон ахборот базаларидан самарали фойдаланиш асосида солиқ солиш базасини кенгайтириш;
- умумбелгиланган солиқларни тўловчилар ва соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчиларнинг солиқ юкини қайта кўриб чиқиб, бу борадаги тафовутларни камайтириш;
- пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш мақсадида унинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш;
- давлат солиқ хизмати органларини ҳалол, юқори малакали ходимлар билан тўлдириш, соҳада сууистеъмолчилик ҳолатларига барҳам бериш бўйича янги тизимни яратиш назарда тутилади.

Шунингдек, мазкур фармонга мувофиқ, қуйидагилар белгиланган:

-тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишга икки йил муддатга мораторий эълон қилиниши (жиноят иши доирасида ва юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган текширишлар бундан мустасно).

-2018 йил 1 апрелдан бошлаб, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши давлат солиқ хизмати органларининг бўшаётган 228 та штат бирликларини прокуратура органларига ўтказган ҳолда тугатилиши;

-тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар, ўтказилган текширишлар ва мониторинг (асос, текшириш ёки мониторинг ўтказиш вақти, уларни ўтказган ходимлар ва бошқалар) ва аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотлар мажбурий тартибда прокуратура органларининг махсус электрон ахборот тизимида киритилиши белгиланган. Мамлакатимизда ёшларга ғамхўрлик қилиш, уларни ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш, замон талабларига мувофиқ олий ва ўрта махсус таълим тизимида реал иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида талаб этилаётган таълим ва мутахассисликлари бўйича иқтидорларини ошириш, қишлоқ жойларида ёшларни, авваламбор касб-хунар коллежлари ва олий таълим

муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ҳисобига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юртбошимизнинг доимо диққат эътиборларида билиб келмоқда. Маълумки, республикада яратилаётган ЯИМнинг 53,3 фоизи ва иш билан банд бўлган аҳолининг 78,3 фоизи кичик бизнесда ва яратилган янги иш ўринларини 90,0 мингтаси хусусий тадбиркорлик улушига тўғри келмоқда.

Ана шу рақамлардан киришиб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик билишига қарамасдан, иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта рол ўйнамоқда. Демак, таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш мақсадида, якка тартибдаги тадбиркорларга ишчи ёллаш ҳуқуқини бериш ва уларга солиқдан имтиёзлар бериш лозим. Бу эса, ўз навбатида аҳоли бандлигини таъминласа, иккинчидан бюджетга қўшимча солиқ тушумларини келиб тушишини таъминлайди.

1-жадвал

Кичик корхоналарда солиқ имтиёздан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш услуги [7]

Самарадорлик кўрсаткичлари	Аниқлаш формуласи	Изоҳ
Киис - имтиёзлар иқтисодий самарадорлик коэффициенти	$K_{иис} = БТС / ХСС$	БТС – бюджетга тиланган солиқ суммасини хақиқий исиш суммаси; ХСС – корхонада ҳисобланган солиқлар суммаси (2-шакл 480-сатр). $БТС = ХСС_{жй} - ХСС_{ой}$ ХСС_{жй} – ҳисобланган солиқлар суммаси жорий йилда (2-шакл 480-сатр); ХСС_{ой} – ҳисобланган солиқлар суммаси итган йилда (2-шакл 480-сатр).
Кииф - фойдага нисбатан иқтисодий самарадорлик коэффициенти	$K_{ииф} = СИ / Ф$	СИ – корхона ихтиёрида қолдирилган солиқ имтиёзи суммаси Ф – корхонада олинган соф фойда суммаси (2-шакл 270-сатр)
Кист - тушумга нисбатан иқтисодий самарадорлик коэффициенти	$K_{ист} = СИ / Т$	СИ – корхона ихтиёрида қолдирилган солиқ имтиёзи суммаси Т – корхонада маҳсулот сотишдан тушум суммаси (2-шакл 10-сатр)

Ҳисобланган солиқ имтиёзлари самарадорлиги коэффициенти $K_{иис} = 1$ га тенг ёки $K_{иис} > 1$ дан юқори билса самарали, агар $K_{иис} < 1$ дан паст билса ёки 0 га тенг билса самарасиз ҳисобланади.

Юқорида ишлаб чиқилган формулаларга асосан, солиқ имтиёзларининг самарадорлиги кўрсаткичларини солиқ имтиёзига эга бўлган кичик корхоналарнинг 2020-2021 йиллардаги ҳисобот маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқамиз (2-жадвал).

**Корхоналарда солиқ имтиёзлари самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари
таҳлили [7]**

Кўрсаткичлар	Йиллар (млн.сўм)			Солиқ имтиёзи самарадорлиги и коэффициент и $K_{инс} > 1 (+)$; $K_{инс} > 1 (-)$.
	2020	2021	Ўсиш (+,-) суръат %	
“ISKANDAR ZAMIN YULDUZI ” МЧЖ 17.04.2006 й. ПҚ-325				
Маҳсулот сотишдан тушум	26775,8	155871,8	582,1%	$K_{инс} = 0,57$
Ҳисобланган солиқлар суммаси	3902,6	9193,2	235,6%	
Тиланган солиқлар суммаси	3902,6	9193,2	235,6%	$K_{исф} = 0,78$
Олинган фойда суммаси	10039	59290	590,6%	
Солиқ имтиёзи суммаси	1006,3	4643,7	461,5%	$K_{ист} = 1,9$
Бюджетга тиланган солиқ суммасини ҳақиқий исиш миқдори (млн.сим)	3902,6	9193,2	5290,6	
“VODIY MILK” 29.01.2009 й. ПҚ-1047				
Маҳсулот сотишдан тушум	373594	426215,4	114,1%	$K_{инс} = 0,29$
Ҳисобланган солиқлар суммаси	16819	23662	140,7%	
Тиланган солиқлар суммаси	20319	22787	112,1%	$K_{исф} = 0,76$
Олинган фойда суммаси	21944	33259	151,6%	
Солиқ имтиёзи суммаси	9340	10655,4	114,1%	$K_{ист} = 1,0$
Бюджетга тиланган солиқ суммасини ҳақиқий исиш миқдори млн.сим	16819	23662,0	6843,0	

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “ISKANDAR ZAMIN YULDUZI” корхонасида 2021 йилда солиқ имтиёзи самарадорлиги коэффициенти 0,57 ташкил этган бўлса, “VODIY MILK” кичик корхонасида 0,29 коэффициентни ташкил этган. Лекин, “ISKANDAR ZAMIN YULDUZI” корхонасида солиқ имтиёзини тушумдаги улуши 0,78% ва фойдадаги улуши 0,78%ни ташкил этиб 1 дан кам бўлсада, солиқ имтиёзини ҳисобланган солиқлардаги улуши 1,9 % ни ташкил этиб самарали ҳисобланади. Шунингдек, “VODIY MILK” корхонасида солиқ имтиёзини фойдадаги улуши 0,76%ни ва ҳисобланган солиқлардаги улуши 0,81%ни ташкил этиб 1 дан кам бўлсада, солиқ имтиёзини тушумдаги улуши 1% ни ташкил этиб самарали ҳисобланади.

Бугунги кунда, Солиқ кодексининг 27 та моддаси (204 та банд), 200 дан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукуматнинг қарорлари билан солиқ имтиёзлари берилган. Хусусан, 2021 йилда хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ имтиёзлари назарда тутилган 44 та конун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, шундан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та Фармони ва 31 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 9 та қарори ва 3 та Фармойиши қабул қилинган ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 5 та қарори билан берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддатлари узайтирилди.

2022 йилда жами 27730 та юридик шахслар 13,0 трлн. сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланган бўлиб, шундан 6,8 трлн. сўми (52 %) Солиқ кодексига асосан ва 6,2 трлн. сўми (48 %) Президентимизнинг Фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан қўлланилган.

2021 йилдан Солиқ кодексининг 30-моддасига киритилган қўшимчага асосан солиқ тўловчига мақсадли имтиёзларни қўллаш ҳисобига бўшаган маблағларни имтиёз даври тугагандан кейинги бир йил давомида имтиёзлар берилаётган чоғда белгиланган мақсадлар учун фойдаланиш ҳуқуқини беради, шунингдек фойдаланилмаган маблағлар қолдиғини республика бюджетига ўтказиш муддати белгиланди. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шарти билан берилиши мумкин. Бундай маблағлардан белгиланмаган мақсадда фойдаланилган тақдирда, белгиланмаган мақсадда фойдаланилган сумма ўрнатилган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга ундириб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон Фармонига асосан, кичик корхоналар солиқ имтиёзларини уларнинг ёзма мурожаатларисиз қўлланилиши белгиланган бўлиб, ҳозирда имтиёзга эга бўлган юридик шахслар ёзма мурожаатларисиз фойдаланиб келмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, юқорида амалга оширилган таҳлиллар ҳамда ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсиялар солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкни ролини ошириш, уларнинг йўлидаги ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга хизмат қилади. Шунингдек, Ўзбекистонда ўрта муддатли ривожланиш жараёнида замонавий бозор механизмларини қўллаш, бунда асосий эътиборни кичик бизнес субъектлари фаолиятига қаратиш мақсадга мувофиқ.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланиш натижасида мамлакат иқтисодиётида ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этишга эришамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish b̎yicha Harakatlar strategiyasi t̎g‘risida”gi 4947-sonli Farmoni

2. Қ.Тўхсанов. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишда хорижий тажрибалардан фойдаланиш истикболлари // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil. 6/2020 (№ 00050).
3. Ш.Тўйчиев. Кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш режимини белгилашнинг назарий жиҳатлари // SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 1 ISSUE 5 UIF-2022: 8.2 | ISSN: 2181-3337. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7004715>
4. Даминов Д. Узбекистон солиқ тизимида тугри солиқлар ва уларни ҳисоблаш механизминини такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. - Тошкент, 2010.
5. Санакулова Б. Кичик корхоналарни солиққа тортиш механизминини такомиллаштириш ва солиқ юкини камайтириш йуллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. - Тошкент, 2011.
6. Ботиров А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш амалиётинини такомиллаштириш йуллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. - Тошкент, 2012.
7. Azizova M. Kichik biznes muammolari maqsadi // O‘zbekiston iqtisodiyet axborotnomasi. –Toshkent, 2020, 1-2 sonlari- 34 -bet.